

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОЖАЛИЕВ АБДУҚОСИМ АБДУЛҲАКИМОВИЧ**

**ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ**  
**МИЛЛИЙ ТИЗИМИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract  
of Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophical Sciences**

<b>Тожалиев Абдуқосим Абдулҳакимович</b> Инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими.....	3
<b>Тожалиев Абдуқосим Абдулҳакимович</b> Инновационное развитие и национальная система подготовки кадров.....	23
<b>Tojaliev Abdukosim Abdulxakimovich</b> Innovative development and national system of training .....	45
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	49

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОЖАЛИЕВ АБДУҚОСИМ АБДУЛҲАКИМОВИЧ**

**ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ**  
**МИЛЛИЙ ТИЗИМИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Fa1.276 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.adu.uz](http://www.adu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳакимов Назар Ҳакимович  
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Артиқов Тўланбой Артиқович  
фалсафа фанлари доктори, профессор

Яхшиликков Жўрабой Яхшиликкович  
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация химояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.06.2020.FaI.60.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 28 » 07 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz))

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 926 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел.: 0(374) 223-88-30

Диссертация автореферати 2021 йил « 13 » 07 да тарқатилди.  
(2021 йил « 12 » 07 даги 3 рақамли реестр баённомаси.)



Ф.Х.Юлдашева

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, фалсафа  
фанлар доктори, доцент

А.А.Эгамбердиев

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, фалсафа  
фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD)

Т.А.Артиқов

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, фалсафа  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳондаги глобал ўзгаришлар ижтимоий ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланган малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни оширишда. Бунда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган малакали кадрлар тайёрлаш ишини инновацион асосда ташкил қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича қўмитаси (UNESCO) ва консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигида фаолият кўрсатувчи экспертлар гуруҳи томонидан олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказишни самарали ташкил этиш, шунингдек, таълим сифатини назорат қилиш механизмларини замонавий талабларга жавоб беришига эришиш, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларига бўлган эҳтиёж, хорижий таълим муассасалари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш муаммоларини ўрганиш алоҳида амалий аҳамият касб этади.

Дунёда олий таълим самарадорлиги (efficiency of higher education) борасида ҳозирги кунда турли хил қарашлар, таърифлар, изоҳлар мавжуд бўлиб, бу борада кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Олий таълим тизимининг самарадорлиги бевосита олий таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассис кадрлар, уларнинг салоҳияти, соҳаси бўйича мутахассислик кўрсаткичи, иш билан таъминланганлиги, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти ва бошқа хусусият ва жиҳатларга боғлиқлиги билан изоҳланади. Зеро, замонавий инновацион билимлар мазмуни малакали кадрлар тайёрлашда намоён бўлмоқда. Бу эса малакали кадрлар тайёрлаш тизимини инновацион ривожлантиришга оид тадқиқотларга бўлган заруратни кучайтирмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда олий таълимга инновацияларни жорий этиш зарурлиги олий таълим муассасаларининг иқтисодий-молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва хусусийлаштириш, кўрсатилаётган олий таълим хизматларини жаҳон стандартларига мувофиқ диверсификация қилиш, олий таълим хизматлари бозорида рақобатнинг кучайишига шарт-шароит яратиш бериш ва қўллаб-қувватлаш, олий таълим муассасаларининг ўз соҳаси бўйича универсаллашувини таъминлаш ва абитуриентларни қамраб олиш кўламини кенгайтириш, олий таълим даргоҳларига кириш имтиҳонларини соддалаштириш ва таълим бериш жараёнини кучайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш каби жиҳатларда намоён бўлмоқда. Олий таълим тизимини ислоҳ қилишни “инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлаш”<sup>1</sup> ва мазкур жараёнда олий таълим тизимининг ривожланишида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши, олиб борилаётган таълим сиёсатини янада такомиллаштириш долзарб вазифа

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – Б.19-20.

сифатида белгиланган. Бу борада инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг жамият ҳамда шахс камолотига таъсирини ва ижтимоий тараққиётни таъминлашдаги ўрнини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 октябрдаги 832-сон “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида ёшлар инновация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инновацион ривожланиш ва кадрлар сиёсатининг демократик кадриятларга мувофиқ юксалтиришдаги аҳамиятига оид концептуал ғоялар Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг<sup>2</sup>, шунингдек, Президент Ш.М.Мирзиёевнинг асарларида<sup>3</sup> очиб берилган. Ҳозирги даврда “Бугунги тарбия – инновация, янгича онг, янгича тафаккур ва амалий ҳаракат демакдир”<sup>4</sup>, шу нуқтаи назардан ёшларнинг инновацион тафаккурини юксалтириш, миллий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ижтимоий ҳаётнинг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда.

Инновацион ривожланишда кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими ҳақидаги тушунчалар ва уни ўзлаштириш воситалари Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ижодида очиб берилган. Масалан, Аристотель “Ҳар қандай илмда ва ҳунарда қандайдир мақсад бўлади. Шу маънода амалий фан, санъат ва ҳунарнинг вазифаси неъматларнинг турлари ҳақида ўйлаш эмас, балки ўша неъматларни бунёд этишдир”<sup>5</sup>, деган ғоя жамиятдаги ижтимоий

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-24 жилдлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2015.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.; Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 508 б.; Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 400 б.; Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 456 б.

<sup>4</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент. Ўзбекистон, 2020 – 179 б.

<sup>5</sup> Арасту. Ахлоқи кабир. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2016. – Б. 117-231.

жараёнларда шахслардан мукамал касб эгаси бўлиши кераклигига ишорадир. Конфуций “Шахс баркамоллиги касб этикаси ва тарбияси муносабатларига”<sup>6</sup>, боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Бу эса, малакали кадрлар тайёрлашга оид қарашларни шахс тарбияси ва унинг жамият тараққиётидаги аҳамиятининг далолатидир. Ал-Форобий “Таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиш, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши зарур”<sup>7</sup>, яъни бўлажак мутахассислар нафақат ташки, шу билан бирга руҳий олам ҳақида ҳам муайян билимларга эга эканлигига далилдир. Беруний фикрича, “Илмлар кўпдир. Улар замони иқболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга кўшилиб борса, кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши илмларни ва илм аҳллари хурматлаши ўша иқболнинг белгисидир”<sup>8</sup>, дейди. Бу эса, ўз замонида илмий билимга ва янги кашфиётларга йўл очиб бериш мамлакатдаги ижтимоий-маънавий фаровонликни ошириш кадрларнинг малакасига боғлиқ эканлигига далилдир.

Хорижлик тадқиқотчилар М.Портер, Й.А.Шумпетер инновацион ривожланишнинг кадрлар тайёрлаш тизими билан алоқадорлигини ижтимоий-иқтисодий шакллари асослаган<sup>9</sup>. В.А.Цигляев инновацион тизимни шакллантиришда таълим ва илмий фаолият субъектларини ўзаро алоқадорлигини<sup>10</sup> илмий таҳлил қилган. А.Я.Кузнецова, Н.Н.Власюк, Э.К.Погорский, М.П.Челомбицкая, В.Б.Агранович “Давлат-бизнес-илм-фан” учлигидаги ўзаро кадрлар тайёрлаш сифати ва уларнинг келгусидаги фаолияти билан изоҳланувчи инновацион ривожланишнинг ҳамкорлигини ўрганган<sup>11</sup>. Шунингдек, Россия Фанлар Академияси социал бошқарув ва социологик технологиялар институтининг “ЦОРУСТ” маркази<sup>12</sup>, Сингапур илмий марказида<sup>13</sup> кадрлар тайёрлаш тизимида инновацион ривожланиш ва инновацион фаолиятнинг аҳамияти тадқиқ этилмоқда.

Ўзбекистон файласуф олимларининг инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлаш миллий тизимида оид илмий тадқиқотлар кўп бўлмаса-да, унинг баъзи жиҳатлари тадқиқ этилганлигини эътироф этиш лозим. Масалан, Н.Шермухамедова “Фаннинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига янгилик киритишда инновацияларнинг ўрни беқиёс ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда фан, техника тараққиётини таъминлаш мақсадида инновацион муҳитни шакллантириш ҳамда доимий равишда эвристик фаолиятни рағбатлантириб бориш муҳим”<sup>14</sup> эканлигига эътиборни

<sup>6</sup> Конфуций. Великие изречения. – Москва: АСТ, 2013. – С. 234.

<sup>7</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 185.

<sup>8</sup> Абу Райхан Беруни. Памятники минувших поколений. Избранные произведения. т.1.–Ташкент, 1957.–С. 99.

<sup>9</sup> Портер М. Конкуренция / Пер. с англ. – М.: Изд. «Вильямс», 2005. – С.43-45.; Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1983. – С.278-285.

<sup>10</sup> Цигляев В. А. Теоретические основы интеграции вузовской науки в национальную инновационную систему. <http://koet.syktso.ru/vestnik/2011/2011-2/15/15.htm>.

<sup>11</sup> Мазкур олимларнинг ишлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

<sup>12</sup> Центр социологии управления и социальных технологии. Институт Социологии РАН.

<sup>13</sup> Singapore Science Centre (<https://www.science.edu.sg>) (Сингапур).

<sup>14</sup> Шермухамедова Н.А. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – Б.83.

қаратган. А.Эгамбердиев ўзининг докторлик диссертациясида Ўзбекистон шароитида ёшларда инновацион онгнинг шаклланиш жиҳатларини, А.Саитқосимов фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш асосий омил эканлигини, Б.Қодиров Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёнларини илмий тадқиқот ишларида асослаган.

Юқоридаги тадқиқотлар инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими алоҳида ижтимоий-фалсафий муаммо сифатида махсус ўрганилмаганлигидан далолат беради. Инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлаш миллий тизими диалектикасига оид илмий ишларнинг таҳлили, “Фан-таълим-ишлаб чиқариш” интеграциясида инновацияларнинг роли алоҳида предмет сифатида етарли асосланмаганлиги боис ушбу диссертация ишида инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг ижтимоий тараққиётни таъминлашдаги аҳамиятини асослашга ҳаракат қилинган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170930223 “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий тадқиқот доирасида бажарилган. (2018-2020й.й.)

**Тадқиқотнинг мақсади** инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг ижтимоий тараққиётни таъминлашдаги аҳамиятини ижтимоий фалсафий жиҳатдан очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кадрлар тайёрлаш миллий тизимини инновацион ривожлантириш орқали фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви жараёнини модернизация қилишда таълимнинг барча бўғинларида сифат кўрсаткичларни такомиллаштириш зарурлигини очиқ бериш;

инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлаш миллий тизими такомиллашувининг жамиятда инсон ресурсларини оқилона бошқариш ва ундан ислохотларда самарали фойдаланишнинг позитив таъсирини исботлаш;

рақобатбардош кадрлар янги авлодини тайёрлашнинг олий таълимдаги халқаро инновацион стандартларни жорий қилиш билан алоқадорлигини ретроспективлик тамойили асосида аниқлаш;

кадрлар тайёрлаш миллий тизими такомиллашиш стратегиясини амалиётга татбиқ этишда олий таълимнинг ролини футурологик-прогностик ёндашув орқали илмий асослаш.

**Тадқиқотнинг объектини** инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг ижтимоий ҳодиса сифатидаги хусусиятлари ташкил этади.



**Тадқиқотнинг предмети**ни инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг жамият ҳамда шахс камолотига таъсири ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, тизимлилик, умумий алоқадорлик, социологик сўров, умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кадрлар тайёрлаш миллий тизимини инновацион ривожлантириш орқали таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви жараёнини модернизация қилишда таълимнинг барча бўғинларида сифат кўрсаткичларини, яъни таълим турлари ўртасидаги интеграцион ҳамкорликни, инвестицион жозибдорликни, интеллектуал салоҳиятни, корпоратив маданиятни юксалтириш, шунингдек, соҳани рақамлаштириш, илмни тижоратлаштириш, консалтинг хизматлари бозорини ва инновацион инфратузилмани такомиллаштириш зарурлиги очиқ берилган;

жамиятда инсон ресурсларидан оқилона фойдаланишда шахс эҳтиёжларини қондиришнинг самарали усулларини топиш, барқарор тараққиётни, шахс ҳамда жамиятни мослашувчанлигини таъминлаш, интеллектуал, креатив фаолият ва инсон капиталини юксалтириш, турли мулк шаклларини жорий этиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлаш миллий тизими такомиллашувининг асоси эканлиги исботланган;

фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида рақобатбардош кадрлар янги авлодини тайёрлашнинг олий таълимдаги халқаро инновацион стандартларни жорий қилиш билан алоқадорлиги ва бундай уйғунлик инновацияларни таълим жараёнидаги муносабатларни жамият ва инсоннинг индивидуал эҳтиёжлари талабларига мос келувчи ҳолатга келтириши, ижтимоий фойдали ва муваффақиятли шахс шаклланиши муаммоларини ҳал этиши, “фан-таълим-инновация-ишлаб чиқариш” тизими ҳамкорлигини шакллантириши ретроспективлик тамойили асосида аниқланган;

инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлашнинг миллий тизимининг юксалиш механизмларини такомиллаштиришда олий таълимнинг аксиологик, инновацион ғоялар маркази, барқарор тараққиётни таъминловчи, рақобатбардош малакали кадрлар тайёрлаш, унинг шахси, алоҳида хусусиятларини эътиборга олган ҳолда мустақил самарали билим олиш фаолиятига аниқ йўналтирилганлик роли футурологик-прогностик ёндашув орқали ижтимоий-фалсафий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инновацион жамиятнинг ижтимоий фалсафий ва назарий асослари, инновация тушунчасининг генезиси ва мазмунининг ижтимоий фалсафий талқинига аниқлик киритилган;

Ўзбекистон шароитида янги тараққиёт босқичидаги инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлаш миллий тизими ўзаро алоқадорлигининг фалсафий жиҳатлари, инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлашнинг

миллий тизимининг ўзига хослиги ва юксалиш механизмларини такомиллаштиришда олий таълимнинг роли илмий асосланган;

инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими ҳамда фуқаролик жамияти билан рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг янги авлоди муносабатлари негизида унинг ҳозирги мазмуни аниқланган;

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий тизимида инновацион юксалишнинг таъминланишида олий таълим тизимидаги инновацияларнинг мазмуни ва намоён бўлиш имкониятлари, олий таълим талаба ёшлар инновацион қобилиятининг юксалишидаги муҳим омил эканлиги бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, ўтказилган социологик сўровлар, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти давлат томонидан мамлакатни глобал инновацион ривожланиш ва миллий кадрлар тайёрлаш дастурларини, лойиҳаларини ишлаб чиқишда, мавзуга оид илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича семинар-тренингларни ўтказишда фойдаланиш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги тараққиёт босқичида кадрлар тайёрлаш миллий тизимини инновацион ривожлантиришга оид ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан миллий кадрлар тайёрлаш дастурини такомиллаштириш жараёнида ҳамда “Илмий тадқиқот методологияси”, “Таълим фалсафаси”, “Фан фалсафаси”, “Таълим социологияси”, “Фан социологияси”, “Тараққиёт социологияси” фанлари мазмунини бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Янги тараққиёт босқичида инновацион ривожланишнинг миллий кадрлар тайёрлашдаги ўрни масаласидаги таҳлиллар асосида:

кадрлар тайёрлаш миллий тизимини инновацион ривожлантириш орқали таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви жараёнини модернизация қилишда таълимнинг барча бўғинларида сифат кўрсаткичларни такомиллаштириш зарур эканлигига доир илмий-назарий хулосаларидан Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг “Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари” деб номланган 10-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2019 йил 27 ноябрдаги 05/1-02-297-сон маълумотномаси). Натижалар таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг инновацион ривожланишга доир ваколатларини илмий асосда такомиллаштиришга хизмат қилган;

жамиятда инсон ресурсларидан оқилона фойдаланишда шахс эҳтиёжларини қондиришнинг самарали усулларини топиш, барқарор тараққиётни, шахс ҳамда жамиятнинг мослашувчанлигини таъминлаш, интеллектуал, креатив фаолият ва инсон капиталини юксалтириш, турли мулк шаклларини жорий этилиши, халқаро ҳамкорликни кучайтириш инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлаш миллий тизими такомиллашувининг асоси эканлигига оид хулосаларидан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Фарғона вилояти кенгашининг “Ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида 2018-2019 йиллар мобайнида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2020 йил 23 январдаги 04-13/300-сон далолатномаси). Натижалар ёшларнинг инновацион-бунёдкорлик фаолиятига доир тасавурларини бойитиш, етук кадр бўлиб етишишга интилишларини ривожлантиришга хизмат қилган;

фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида рақобатбардош кадрлар янги авлодини тайёрлашнинг олий таълимдаги халқаро инновацион стандартларни жорий қилиш билан алоқадорлигига доир хулосаларидан Республика маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилояти кенгашининг “Маънавий-маърифий ишлар тарғиботида инновацион усул ва воситалар” номли ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 10 январдаги 03/07-63-сон далолатномаси). Натижада маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда инновацион ривожланишнинг ёш кадрлар фаолиятига таъсирига оид долзарб муаммоларни илмий асосда ҳал қилинишига хизмат қилган;

инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг ўзига хослиги ва юксалиш механизмларини такомиллаштиришда олий таълимнинг ролига доир хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технологиялар агентлиги томонидан “Баркамол инсонни тарбиялаш – давр талаби” номли ўқув кўрсатманинг “Баркамол инсон шахси структурасининг асосий қисмлари (ақлий, ахлоқий, эстетик)” ва “Маънавий янгилинишлар ва уларнинг замонавий баркамол инсон тарбиясига таъсири” номли 3-бобини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 12 декабрдаги 89-06-98-сон маълумотномаси). Натижалар маънавий янгилинишлар жараёнида малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг инновацион хусусиятларига доир муаммоли йўналишларни аниқлаш ва бартараф этишнинг илмий ечимларини ўрганишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий нашрларда 7 та мақола (5 та республика, 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, илова ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 149 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг назарий методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида инновацион тараққиёт ҳақидаги дастлабки фалсафий фикрлар тарихий манбалар, мутафаккирларнинг асарларида янгиликка, такомиллашишга интилиш, жамият ривожини учун мунтазам ҳаракат қилиш, инновацион ривожланиш инсон фаолиятининг ажралмас қисмини ташкил этиши ва мунтазам суръатда билимли, жамият ривожланишининг объектив ва субъектив жараёнларини чуқур таҳлил қила оладиган шахслар фаолияти билан чамбарчас боғлиқлиги асослаб берилган. Жамиятнинг янги тараққиёт босқичига кириши, инновацион ривожланишнинг назарий жиҳатлари, амалиётга тадбиқ этилиш жараёнидаги ўрнини таҳлил этиш вазифасини илгари суради. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, ушбу бобда инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг назарий методологик жиҳатлари, инновация тушунчаси генезиси ва мазмунининг ижтимоий-фалсафий талқини ўрганилган ҳамда тадқиқ қилинган.

Инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлашнинг миллий тизимига оид тушунчалар турли даврларда айнан биз кўриб чиқаётган шаклда бўлмасда, унга алоқадор мазмунда антик давр мутафаккири Аристотель “Органон” асарида инсоннинг адолат, ҳақиқат учун ҳаракат қилиши лозимлиги ва бунинг учун фикрлаш қонунларига амал қилиш зарурлиги тўғрисидаги қарашлар илгари сурилади.<sup>15</sup> Шунингдек, мутафаккирнинг фикрича, ҳар қандай илмда ва ҳунарда қандайдир мақсад бўлади. Бирорта илм, бирорта ҳунар ёмонлик келтириб чиқаришни кўзда тутмайди. Агар барча ҳунарларнинг мақсади неъмат яратиш бўлса, равшан бўладики, энг яхши ҳунар ё санъатнинг мақсади энг яхши неъмат яратишдир.<sup>16</sup> Файласуфлар малакали кадрлар тайёрлашга оид қарашларни гносеологик маънода

<sup>15</sup>Аристотель. Политика // Аристотель. Сочинения: В 4 т. Москва.: «Мысль», 1983. Т. 4. – С. 376–644

<sup>16</sup>Арасту. Ахлоқи кабир. Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2016. 117-231 б.

тушуниб, уни шахс тарбияси ва жамият тараққиётидаги ўрни масаласига бағишланган таълимотларни яратганлар.

Абу Наср Форобийнинг фозиллар шахри одамларининг фазилатларига оид фикрларида таълим олиш, билим, маърифатга ҳавасли фан бўйича мутахассисларни тайёрлаш ҳақидаги қарашлар ҳам мавжуд. Жумладан, “У (шогирд) (устозлардан) таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши зарур”, “Агар улар иш, касб-хунарга берилган бўлсалар, касб-хунарга қизиқсалар, шу қизиқиш уларни бутунлай касб-хунарга жалб этса, демак, улар касб-хунарнинг чинакам ошиғи бўладилар”<sup>17</sup>, деб таъкидлайди.

Мамлакатимизнинг кейинги давр тарихида темурийлар даври мутафаккирлари, жадид зиёлларининг қарашларида баркамол, замонавий фикрлайдиган авлодни шакллантириш масаласи, таълимни ислоҳ қилиш мамлакат тараққиётининг асосий шарти эканлигига доир қимматли ғоялар илгари сурилган.

Жамиятнинг янги ривожланиш босқичида инновация тушунчаси фалсафа фани доирасида инсон фаолиятининг муҳим бўлаги сифатида тадқиқ этилмоқда. Инновация тушунчаси луғавий мазмунига кўра “тилдаги янгилик” маъносини беради.<sup>18</sup> Инновация тушунчаси дастлаб XX асрда хорижий жамиятшунос олимларнинг илмий тадқиқот ишларида учрайди ва бир маданиятга хос бўлган баъзи элементларнинг иккинчи маданиятга таъсири, кириб келиши маъносида ишлатилган<sup>19</sup>.

Қайд этиш лозимки, тадқиқотчи С.Н.Кройторнинг фикрича, “Инновация билимдан технологик, рақобатбардошлик ва етакчиликни таъминлаш учун фойдаланиш жараёнидир”<sup>20</sup>. Инновациялар мазмуни, моҳиятига доир илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу терминни олий таълимга нисбатан қўлланилиши педагогик жараённинг такомиллашуви, таълим хизматларининг янгиланиши, таълим маҳсулотларига янги технологиялар, илм фан ютуқларининг жорий этилиши, олий таълим жараёнининг объектив жараён сифатида мукаммаллашувидир.

Инновация бу инсон интеллектуал фаолиятининг маълум мақсадга йўналтирилганлиги ва илмий ишлар натижаси билан характерланади. Инновацион фаолият қуйидаги хусусиятларга эгадир, яъни инсон фаолиятида муҳим ўрин эгаллайдиган ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда табиий ресурсларни авайлаб сарфлаш, инсон эҳтиёжларини қондиришнинг самарали усулларини топиш қабилар муҳим ўрин тутди. Инновацион ғоялар вужудга келишининг асосини илмий тадқиқот ишлари ташкил этади. Шундай қилиб, илмий тадқиқот ишлари натижаларининг амалиётга, инсон фаолиятига

<sup>17</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Тошкент.:А.Қодирий номли халқ мероси нашриёти,1993.159 б.

<sup>18</sup> Советский энциклопедический словарь. Москва, 1983, с.493,894..

<sup>19</sup> Ермасов С. В., Ермасова Н. Б. Инновационный менеджмент: учебник для вузов. - Москва.: Высшее образование, 2007. - 505 с.

<sup>20</sup> Кройтор С. Н. Инновации в образовании: Социологический анализ (на примере системы высшего образования Республики Беларусь): дисс. ... канд. социал. н. - Минск, 2009. [Электронный ресурс]. Дата обновления: 01.10.2010.-URL: <http://vivakadry/15.htm> (дата обращения: 01.10.2013).

жорий этилиши янги махсулотларнинг, технологияларнинг вужудга келишига сабабчи бўлади, яъни илмий ишланмалар асосида янгиликлар яратилади, инновациялар вужудга келади.

Тадқиқотчилар О.А.Латуха ва Ю.В.Пушкаревларнинг фикрича, олий таълимдаги инновацион жараён фан ва олий таълимнинг интеграцион фаолиятдан иборатдир.<sup>21</sup> Таъкидлаш лозимки, инновациялар моҳиятан мураккаб ижтимоий феномендир, унинг ривожланиши, ижтимоий ҳаётга кириб бориши тизимли ижтимоий ўзгаришларга олиб келади. Инновация муаммоси ўз характериға кўра тарихий моҳиятга эга бўлиб, ижтимоий маданий омиллар билан чамбарчас боғлангандир.

Миллий кадрлар тайёрлашнинг методологик асослари, унинг ривожланиш тенденциялари, генезисига доир илмий асосланган фикрлар, инновацион ривожланишнинг объектив ривожи, кадрлар тайёрлаш ишининг фуқаролик жамияти тараққиётининг бир бўлаги эканлиги, унга комплекс ёндашув зарурияти ҳақидаги янги ғоялар, хулоса ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, нутқлари, Фармон ва қарорларида ўз аксини топган.<sup>22</sup> Президент асарларининг муҳим тарихий, фалсафий аҳамияти шундан иборатки, уларда инновацияларнинг жамият тараққиётидаги алоҳида ўрни, уни амалга оширишнинг объектив ва субъектив жиҳатлари талқин этилган.

Ўзбекистон Президентининг таклифи билан ишлаб чиқилган ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётга жорий этилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” ва “Бешта муҳим ташаббус” мамлакатнинг инновацион тараққиётини янги босқичга олиб чиқди<sup>23</sup>.

Таълим тизимида мустақиллик даврининг бошларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган бўлса-да, миллий кадрлар корпусини яратишда бир қанча камчиликлар мавжуд. Жумладан, иқтидорли, ноёб қобилиятли, ўз мутахассислиги ва хорижий тилларни мукамал эгаллаган бакалавр ва магистрлар, фан докторларининг хорижий мамлакатларга иш излаб кетишига йўл қўйилди. Ижтимоий-иқтисодий субъектларнинг юқори малакали мутахассисларга бўлган талаби қондирилмади. Республикада кадрлар тайёрлаш миллий тизимиға инновацион усул ва технологиялар етарли даражада тадбиқ этилмади.

Тадқиқотчининг фикрича демократик ислохотлар даврида инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими муаммоларига оид

---

<sup>21</sup> Латуха О. А. Инновационная деятельность современного вуза: тенденции развития / О. А. Латуха, Ю. В. Пушкарев // Вестник Новосибирского государственного педагогического университета. – 2012. – Т. 8. – № 4. – С.44-50.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги "Ўзбекистон", Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-5264-сон Фармони., Қонун ҳужжатлари тўплами. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиға мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон. Ўзбекистон Республикаси Президентининг беш муҳим ташаббуси., 2019 йил 20 март.

муайян фикрлар мавжуд бўлган тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади. Бу тадқиқотларда инновацион ривожланиш ҳамда кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг мақсад, вазифалари ва ўзига хос хусусиятини тадқиқ қилиш, унинг келажаги ҳақидаги хулосаларни қўлга киритиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Янги тараққиёт босқичида жамият юксалишига хос бўлган инновацион ривожланиш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг такомиллашуви жараёнида муҳим омил ролини малакали профессор-ўқитувчиларни етиштириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ҳам олий таълимдаги ислоҳотларнинг муҳим бўлаги сифатида долзарб амалий аҳамиятга эгадир. Шунингдек, жамиятнинг инновацион ривожланиши ва кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими заруриятини мутасадди мутахассислар томонидан мустақил англаш ва рақобатбардош кадрлар замонавий авлодининг ислоҳотлардаги ўрни негизида унинг янги даврдаги фалсафий мазмунини илмий тадқиқотлар натижаси асосида чуқурлаштириш лозимлиги таъкидланган.

Қайд этиш лозимки, умумий ўрта ва олий таълим тизимининг ўзаро боғлиқлиги янги ривожланиш босқичида яққол кўзга ташланди. Чунки жамиятнинг инновациялар асосида ривожланишига доир концепциянинг қабул қилиниши, инсон капиталига, ёшларнинг билимига, мутахассисларнинг малакавий кўникмаларига бўлган ижтимоий талабни кучайтирди. Инновацион ривожланиш ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, ижтимоий тизимларда фаолият олиб бораётган мутахассислардан юқори малака, ижтимоий фаоллик, ўз касбининг ҳақиқий устаси, хорижий тилларни мукамал ўзлаштирган, ахлоқий, сиёсий маданият соҳиби бўлишни талаб қилмоқда.

Олий таълим муассасалари фаолиятига инновацион ёндашув, улар орасида малакали кадрлар тайёрлаш ишида соғлом рақобатни вужудга келтириш учун барча имкониятлардан рационал фойдаланиш лозим. Бу вазифанинг ечими юқори малакали профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув жараёни, илмий тадқиқот ишлари натижаларида юқори сифат даражаси, кўрсаткичларига эришиш муҳимдир. Янги тараққиёт босқичида таълимдаги инновацияларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири турли мулк шакллариининг бевосита таълим соҳасига жорий этилишидир.

Тадқиқотчи томонидан кадрлар тайёрлаш миллий тизимига инновацияларнинг жорий этилиши муҳим зарурият эканлиги билан бирга, инновацияларнинг жамият ҳаётига тадбиқ этилиши, ушбу янгиликнинг жорий этилиши назарий жиҳатдан чуқур англаниши, унинг натижалари ва оқибатлари ҳақида тушунчага эга бўлиш лозимлиги, бундай жараёнлар турли ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги таъкидланган.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, инновациялар чуқур ижтимоий фалсафий жиҳатдан мушоҳадани талаб қиладиган, ривожланиш жараёнида, муайян ўзгаришларга сабаб бўладиган муаммодир.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Олий таълим тизимида инновацияларнинг объектив зарурияти ва йўналишлари**” деб номланиб,

унда таълим тизими ёшларни янги ривожланиш даврининг ўзига хос хусусиятлари, демократик ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини англашларига ёрдам бериши, таълимдаги инновациялар ёшларнинг ижтимоий шаклланишида, уларнинг ахлоқий ва малакали мутахассис сифатидаги камолотида муҳим аҳамият касб этаётганлиги, олий таълимдаги инновацион ислохотларнинг демократик жараёнлар чуқурлашуви билан уйғунлиги, талаба-ёшларнинг инновацион кўникмалари юксалишининг ижтимоий-маънавий жиҳатлари таҳлил этилган. Шунинг учун диссертациянинг ушбу бобида таълим тизимида инновацияларнинг объектив зарурияти ва йўналишлари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилди.

Шунингдек, ушбу бобда янги тараққиёт босқичида инновацион ривожланиш даврига кириш учун ижтимоий-иқтисодий мазмундаги ислохотларнинг марказида таълимнинг барча бўғинларида сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш лозимлиги, мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим ва олий таълим тизимини ўзаро боғлиқлиги, таълим тизими ривожидagi муҳим омиллардан бири регионал, яъни вилоятлар кесимида олий таълим муассасалари фаолиятини инновацион асосда ташкил этиш масалалари ёритилган. Қайд этиш лозимки, вилоятларда олий таълим муассасаларини тамомлаётган мутахассислар маҳаллий шароитда илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, ривожлантириш учун ўз ҳиссасини қўшади. Шунингдек, уларнинг маҳаллий шароитга мослашуви тезлашади, ижтимоий муаммоларнинг ечимини топиш ҳам мумкин бўлади.

Диссертант фикрича, олий таълим тизимининг жамият тараққиёти билан ҳамоҳанглиги, унинг асосий маҳсулоти, яъни малакали кадрлар тайёрлаш иши билан белгиланади. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ўзининг моҳияти ва мазмунига биноан олий таълимга тизимли инновациялар жорий этишни талаб қилади. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида инновацияларнинг барча жабҳалардаги ўрнига катта эътибор қаратила бошланганига асосий сабаб, асосан малакали кадрлар салоҳиятига эришиш ва ушбу жараёни юқори савияда, талаблар даражасида ташкил этиш учун илмий тадқиқотларни моддий, ташкилий жиҳатдан, давлат ташкилотлари ва хусусий сектор вакиллари томонидан қўллаб-қувватлашга боғлиқдир.

Олий таълим муассасалари ҳозирги даврда, янги ривожланиш босқичида жамият ва давлат ташкилотлари орасида муҳим кўприк вазифасини бажаради, яъни ҳар иккала жабҳа учун зарур бўлган рақобатбардош кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Инновациялар кечаги, бугунги ва яқин келажакдаги воқеликнинг бирлиги, умумийлиги доирасида содир бўлади. Шунинг учун инновация ўз моҳиятига биноан, мутахассисда мавжуд бўлган, унинг билим олиши жараёнида, яъни университет тизимида эришилган, қайта тайёрлаш факультетларида олинган, махсус билимлар мажмуасига ва ишлаб чиқаришда ёки таълим, илмий тадқиқот институтлари соҳасида орттирилган амалий тажрибага суянади.



Диссертант таъкидлайдики, ҳозирги даврдаги университет инновацион ғоялар маркази ҳам ҳисобланади. Улар илмий тадқиқот ишлари билан мамлакатимизни жаҳон таълим тизимининг муҳим бўғинига айлантиришга хизмат қилмоқда, шу муносабат билан унинг илмий потенциалини мунтазам кучайтириш, юксалтириш, унинг моддий-техник базасини кучайтириш вазифаси мавжуддир.

Ёшлар инновацион қобилияти юксалишида муҳим омил ролини бажарадиган олий таълим тизими келажак ва ҳозирги кун учун зарур бўлган рақобатбардош кадрлар тайёрлаши, жамиятнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиши ҳамда жаҳон стандартлари асосида фаолият олиб бориши лозим. Жамият ривожланишининг янги босқичида олий таълимдаги бундай имконият инсон фаолиятининг масъулиятли жабҳаси, ёшлар тарбиясига, бўлажак мутахассислар, малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш вазифасини юклайди.

“Таълим тизими ёшларда глобал дунёқарашни шакллантиришга, шунчаки мутахассисни эмас, лидерларни тайёрлашга, инновацияни қўллаб-қувватлашга йўналган бўлиши керак. Глобал дунёда рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаб етиштириш учун Ўзбекистонда таълим тизимини келажак талабларига мослаштириш, долзарб касбий йўналишларни очиш, унинг дунё бозоридаги рақобатбардошлик салоҳиятини ошириш кабилар орқали таълимнинг самарадорлигини таъминлаш талаб этилади.”<sup>24</sup>

Диссертант янги тараққиёт босқичи шароитида мамлакатимизда инновацион ривожланиш асосида кадрлар тайёрлаш миллий тизимини такомиллаштириш, ҳамда олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларнинг инновацион кўникмалари юксалишида муҳим омил эканлигини ўрганишга қаратилган социологик тадқиқотлар олиб борди.

Социологик сўровнома Фарғона водийсидаги олий таълим муассасаларида ўтказилди. Сўровномага юқоридаги таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ишчи ходимлари, тингловчилари ҳамда талабалари респондент сифатида жалб этилган.

Олий таълимнинг муҳим вазифаларидан бири меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган рақобатбардош кадрлар тайёрлашдир. Рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш жараёни мамлакат ва минтақа, вилоятлар кесимида мутахассисларга бўлган талабни ҳисобга олиш вазифасини ҳам қўяди. Янги ривожланиш босқичида олий таълим муассасалари мутахассислар тайёрлашда ижтимоий ҳамкорлар, яъни иш берувчилар билан ҳамкорликнинг турли шаклларида фойдаланмоқда, жумладан, ўқув дастурлари мазмунига ўзгартиришлар киритиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш жараёнида. Олий таълимдаги бундай ҳолат, тайёрланаётган мутахассислар малакаси сифатига бўлган ижтимоий талабнинг мунтазам ошиб бораётганлигидан далолатдир<sup>25</sup>.

<sup>24</sup> Юлдашева Ф.Х. Ўзбекистонда глобаллашув шароитида маънавий янгиликларнинг ўзига хос хусусиятлари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент 2019. Б. 27.

<sup>25</sup> Аброров И. Олий таълим тизими замонавий ёндашувлар асосида ривожланади. Халқ сўзи, 26 апрель 2017.

Олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, олий таълим муассасаларидаги ихтисослик йўналишлари ва мутахассисликларни ҳудудлар ҳамда соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудларни комплекс тараққий топтириш истиқболларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш тизимни ислоҳ қилишдаги устувор вазифалар сифатида белгиланди. Бундай ёндашув олий таълим тизимининг меҳнат бозорига, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнига мослашувчанлигини ошириб, тизимда самарадорликни юксалтиришнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади. Чунки шу нарса аёнки, айрим йўналишлар бўйича тайёрланаётган кадрлар амалиётда ўз ўрнини топа олмай, мутахассислигига мос бўлмаган соҳаларда ишламоқда.

Профессор-ўқитувчилар, педагог ходимларнинг малакавий имкониятларини юксалтириш, шахсий масъулияти ва ўз касбига бўлган муносабатини тубдан ўзгартирмасдан туриб олий таълим тизимида ислохотлар самарадорлигига эришиш мумкин эмас. Шунини таъкидлаш лозимки, бундай кенг кўламдаги ислохотларни амалга ошириш учун профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий доиралар ҳамда олий таълим муассасалари мутасаддилари бутунлай янги талаблар асосида фаолият юритиши лозим.

Тадқиқотчининг фикрича, олий таълим муассасаларида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, талабалар касбий тайёргарлиги учун зарур бўлган, турли йўналишдаги, уларнинг касбий шаклланишига йўналтирилган мустақил ишлар, замонавий усулларида самарали фойдаланиш заруриятини илгари суради;

иккинчидан, ўқиш жараёнида, барча фанларни ўрганишда бўлажак мутахассисларнинг келажаги учун зарур бўлган янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашнинг такомиллашган методларидан фойдаланиш;

учинчидан, бўлажак мутахассисларга амалиётда инсон билан индивидуал ва жамоада ишлай олиш, даврга, ижтимоий муҳитга мослашувчанлик имкониятларини шакллантиришга оид махсус кўникма ва махсус билимларни бериш лозим;

тўртинчидан, бўлажак мутахассислар онгида фан, инновацион фаолият ва ишлаб чиқариш узлуксиз жараён эканлигини англаш кўникмаларини шакллантириш муҳим жиҳат сифатида қаралиши лозим.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Кадрлар тайёрлаш миллий тизимида инновацион юксалиш жараёнининг фалсафий таҳлили”** деб номланиб, унда таълимдаги инновацияларнинг таълим тизимидаги барча фанларга мунтазам киритилиши зарурияти, фан ривожланишининг жамият тараққиётига нисбатан илгарилаб бориш қонуниятига амал қилиш, инновацияларни ижтимоий-иқтисодий амалиётга киритиш, жорий қилиш эҳтиёжи, кадрлар тайёрлаш жараёни бевосита жамиятда эришилаётган

ютуклар, жамият тараққиётидаги ўрни, олий таълимдаги ислохотлар бевосита инновацион жараёнлар билан боғлиқлиги, ҳар бир фан соҳасидаги ўзгаришлар, янгиликларни, янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига киритиш ва пировард натижада малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, юқори технологик талабларга жавоб берадиган замонавий кадрлар корпусини шакллантириш жараёни, олий таълимга мунтазам инновацион ғоялар, фикрлар, замонавий ўқитиш технологиясини жорий этиш зарурияти тадқиқ этилган.

